



Gazeta 1995-yil,  
10-iyundan chiqqan  
boshlagan

Har oyda ikki  
marta chop etiladi

# Milliy tiklanish

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil,  
6 yanvar,  
paishanba

1  
(307)  
son

## 9 ЯНВАРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ КУНИ! «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

### Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ 62-Янгиер сайлов округи

Ҳеч қандай воқеа тўппа-тўппа — дан юз бермаганидек, ҳар қандай кишининг жамиятда фаоллашуви ҳам бирдан амалга ошириб қолмайди. Билимини оширган, бирор мутахассисликнинг бошини тутган одам бамисоли итгада қудуқ қазигандек аста-секинлик билан оёқга туради, қад ростлайди, мавқега эга бўла боради. Шу маънода ҳар қандай мутахассисликни жамиятга кириб келишининг, унда етук мавқега эга бўлишининг бош омили десак янглишмаймиз. Кўпчиликнинг назарига тушишда журналистик касбининг устуниги кўп. Айниқса, қалами ўткир, маҳоратли журналист ризқини ҳам, обрў-этиборини ҳам қаламининг учи орқали топади.



«Жажман», «Ибн муғанний» деб номланган хикояларини, «Оромкурси», «Ногоҳ» қиссаларини, айниқса «Бозор» романини алоҳида таърифлаш мумкин. «Чаёнгул» бадий фильмини томоша қилмаган ёшларимиз кам. Айни шу асарлари учун Хуршид Дўстмуҳаммад «Йилнинг энг яхши ёзувчиси» йўналиши буйича «Офарин» мукофотиغا сазовор бўлган.

Мен таърифлаётган укам, шогирдим ва қаламкаш касбдошим «Миллий тикланиш» демократик партияси етакчиси этиб сайланди — ю, унинг жамоат арбоби сифатидаги фаолияти ўн чақдон ортди, қўли қўлига тегмайди. Кўнин билмайди. Бўёни сайлов қизиби кетганини айтмайсизми?!

Кўнига ўн мартабало вилоятлардаги сафдошлари билан боғланади, уларнинг сайловда қураш жараёнидан бохобар бўлади. Газета, теле-радио мухбирлари саволига жавоб беради, хорижий меҳмонларни қабул қилади. Анжуману мажлисларда ўз сўзини айтишни қанда қилмайди. Шунча юмушининг орасида ҳали Янгиер, ҳали Ховос, ҳали Боевут томонларга от суриб қолади. Ҳа, десангиз, у Қонунчилик палатаси депутати бўлиб 62-Янгиер сайлов округидан ўн номзодини қўйган! Сайловчи билан юзма-юз учрашувларда ўзи етакчилик қилаётган «Миллий тикланиш» партиясининг дастурларини кенг тарғиб қилгани келади, партия қадриятлари халқимиз қадриятларига муносиб эканлиги таъкидлашдан чарчамайди. «Миллий тикланиш» голярига қаттиқ ишонади. Хуршид давр талабини, сиёсат вазият ва одамларимизни ўйлангандан муаммоларни ажиб бир ўйғуниқда ҳис этади, фуқаролар билдираётган талаб ва истакларини ана шу тўшунчаларидан, тажрибаларидан келиб чиқиб амалга ошириш йўлиларини топади. У ҳам сиёсий арбоб, ҳам адиб, ҳам журналист сифатида дунёнинг деярли барча тараққий этган давлатларига борган, малакаси ва таърибисини оширган.

Мана шундай инсон 62-Янгиер сайлов округидан ўн номзодини қўйган экан, мен яна бир ҳақиқатни қомил ишонч билан айтмай: маъруза округ сайловчилари қандай номзодга овоз беришларини жуда яхши билишади! Бунинг учун уларнинг ақл-заковатини, сиёсий билимдонлигини етарли дея, баралла айта оламиз!

Худойберди ТЎХТАБОВЕВ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

### Ўткир ҲОШИМОВ 79-Чиноз сайлов округи

Ўткир Ҳошимов ҳар бир ишга сидқидилдан жон-жаҳди билан киришадиган инсон. Одамда сидқидиллик бўлмаса, хоҳ майда, хоҳ йирик ишга жон-жаҳди билан уринмаса, бирон бир натижа чиқариш қийин. Айниқса, Ўткир Ҳошимовдек ижодкор инсонда сидқидиллик гайрат ва шижоат билан қўшилиб, табиий омухта бўлиб кетганда, у адиб учун катта яратувчи кунга, илҳомни рўёбга чиқарувчи, уни уйғотувчи кудратга айланади.

Табиат ўзининг бу куч манбаларини, Ўткир Ҳошимовга қўшқўлаб ато этган. Лекин ато этилмоқлик инсон бахт-саодати, толе китобининг ҳаммаси эмас, балки унинг калити, очқичи ёки дебчаси холос. Инсон ўзига ато қилинган истеъдод ва салоҳиятини тарбиялаш, унинг имконияти уфқларини очиб учун, бунёдкорлик қуролига айлангандириш учун қанчалар машаққатлар чекиши, изиллаши оламларда матонат ва шижоат билан ортага қайтмай меҳнат тоғларини забт этишига тўғри келади.

Ўткир Ҳошимов ўз истеъдодининг табиатини ҳўб ўқиб, ёзувчи, журналист, публицист бўлишга жазм этди, аҳдида қаттиқ турди, ўзини ижодкорликнинг сермашаққат хунарига тайёрлади ва тарбиялади.

Бу чин маънода улкан ҳурмат уйғотди. У ўз кучини теран англагани, билгани учун ҳам, истеъдодининг чақмоғини майдалаштирмади, истеъдод атомини мумтоз адиб айтмоқчи, «ўтин ёришга» сарфлаб юбормади. У адабиётнинг қайси жанрида асар яратмасин, истеъдодининг ранг-баранг қирраларини тўлиқ намоён қилди: публицистик мақолалари, алангали журналист чиқишлари,



Ўткир ҳажв, киноя, зариф кулгига бой драматик асарлари, кечаги ва бугунги дунёнинг инсон учун долзарб масалаларини ўткир ҳаяжонли қилиб кўтариб чиққан қатор-қатор хикоялари, қиссалари, романларида инсоннинг буюк сардари оламларини юксак эмоционаллик билан ёритди. «Урушнинг сўнги қурбони» каби кичик асарларида бир неча роман ва драманинг қудратига тенг ифода қудратига эришди.

Унинг барча асарлари халққа яқин, халққа таниш, халққа сеvimли. Ўзбекистонда қайси хонадон эшигини очиб кирманг, қайси уйнинг китоб тоқчасига назар ташламанг, у ерда Ўткир Ҳошимовнинг ўқилмаган титилиб кетган роман ва қиссаларига дуч келасиз. Мамлакатимизнинг қайси ерида жигари кадоб китобхон билан сўзлашманг, у аввало Ўткир Ҳошимовнинг асарларини тилга олади, вақтининг гисаридан бўлса, уларнинг бобларини ёддан ўқиб беради.

Ўткир Ҳошимов халқ учун доим очик китоб! Халқ бу китобда ўзини куради, танийди, уларда орзуларини ўқийди, дардлари, армонлари юза-

га чиққанлигидан кўраги тоғдай кўтарилди.

Адибимизнинг асос асарлари XX асрда дунёга келди. Лекин улар ҳеч қачон собиқ совет мафкура қолипларига сиғмади, бўйсунмади. У ҳаётийлик, чўқур ва самимий инсонийлик, халқоналикни ўзига шиор қилиб ёзди.

Бежиз эмаски, унинг барча асарларида истиқлол, инсон эркинлиги, қадри-қимматини сақлаш, эъозлаш нафаси келиб туради.

Ўткир Ҳошимов ўз халқининг муносиб фарзанди сифатида ҳамиша унинг қадри-қимматини юқори кўтариш, ҳимоя қилишга интилиб келди. Унинг ТВ, Ўзбекистон радиоси, ОАВдаги тинимсиз ёрқин чиқишларида халқ ҳаётининг ҳақиқатлари, инсон ҳақиқатлари баралла янграб турди. Унинг «Баҳс» муаллифлик кўрсатувлари, «Қўрқув салтанати», «Давлат сирини», «Мантқиқ қани», «Қатағон», «Қалбнинг оппоқ дафтари» сингари асарлари ўз ҳаётийлик қудрати билан кўпчилик дилдан мустаҳкам жўп олди.

Ўткир Ҳошимов сиёсий фаолиятда, жамоат намояндаси, ЎзМТДП етакчиларидан бири сифатида иқтисодий-маданий тараққиётимиз, сўз эркинлиги, матбуотнинг ҳуқуқий негизини яратишга ҳизмат қилаётган бир қатор муҳим қонуналарнинг дунёга келишида ўн муносиб ҳиссасини қўшди, қонуinchilik тили, услуби, тафаккури шаклланишига саъй-ҳаракатларини аямди.

Унинг юксак давлат мукофотлари билан бир неча бор тақдирланганлиги адибимиз, жамоат арбобининг меҳнатларига берилган улкан баҳодир.

Халқ ўзининг Ўткир Ҳошимовдек адиб фарзандлари борлиги билан ҳақли фахрланади.

Иброҳим ҒАҒУРОВ.

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси Бўришо Мустафоев олиб борди. 2004 йил 26 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонуinchilik палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонуinchilik палатасига сайланган депутатлар рўйхатга олинди. Овоз бериш натижаларига кўра, 62 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонуinchilik палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг орасида тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 21 киши, Ўзбекистон Халқ

демократик партиясидан — 18 киши, Фидокорлар миллий демократик партиясидан — 9, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан — 6, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан — 2, Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан — 6 киши, 62 нафар сайланган депутатларнинг 8 нафари (12,9 фоизи) хотин — қизлар. Республика буйича 58 та сайлов округида депутатликка номзодларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмади. Шу сабабли, 2005 йил 9 январь куни такрорий овоз бериш ўтказиш тўғрисида 2004 йил 29 декабрда қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси

Қонуinchilik палатаси депутатлигига Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан **Абдуллаев Сарвар Собитович** (Тошкент шаҳри, 6 — санат сайлов округи); **Зарипова Раъножон** (Хоразм вилояти, 101 — Хонқа сайлов округи); **Исмоилов Умид** (Хоразм вилояти, 103 — Шо — вот сайлов округи); **Қориева Мунира Джураевна** (Тошкент вилояти, 82 — Янгийўл сайлов округи); **Кушакаев Бахтияр Янгибаевич** (Қорақал — пағистон республикаси, 116 — Эллиққалба сайлов округи); **Маматов Абдуғафур Эшонқулович** (Жиз — зах вилояти, 33 — Ғалаорол сайлов округи) — дан рўйхатга олинди. **Ўз мухбиримиз**

## Эл орасидаги эр йигит

Алижон ака Ёриев йигитнинг бармоғини синчилаб текширди. Жароҳатини қўламаста бўлмайди. Яра фасод бўйлаб суякка ўтибди. Бармоқнинг бир бўғинини олиб ташлаш билан бунга чек қўйишга тўғри келади. Булар Алижон ака учун энг «айда» иш. Операция ўтказиладиган кунларни энг оғир кунлар деса бўлади. Неча бор кирмасин барибир ҳаяжонда бўлади. Ишини муваффақиятли тугатиб пешонасидаги реза — реза терни артаётгандаги энгилликни эса сўз билан ифодалаш қийин. — Нега шу касбин танлагансиз? — деб сўрашди бир кун ундан. — Биламадим, бошқа иш қўлимдан келмасди, — қўлиб жавоб берганди ўшанда у.

Ҳақиқатан ҳам Алижон ака туғма жароҳдек гўё. «Алижон ака Ёриевнинг қўли ептил» дейди беморлар. «Мени фақат ўзингиз операция қилсангиз» дея сўрайдиганлар ҳам кўп. Негаки, ҳозиргача унинг билими, сезгиси, ҳара — катчанлиги панд бергани йўқ. Шириносханаги, кампап ва камтаринлиги билан эл орасида обрў топапти.



Қизик, оламнинг тағига олма тушади, деганларни ростмикан? Уга Алишерни бошқа касбни танлармикан, деб ўйлаганди. У ҳам шифокорликни орзу қилди. Ҳозир ТошМИДа ўқияпти. Турмуш ўртоғи Мукаррам ҳам ҳамшира. Онанинг ҳам фарзандларга таъсири катта — да. Шифокорлар оиласи бўлганда ҳам булардан ҳам ҳавас уйғонади чоғи. Айниқса, ота — она эл орасида касби билан иззат — ҳурмат топган бўлса.

Инсон катта орзу — умидлар билан яшаши керак экан. Алижон ака 1981 йили ТошМИни битириб, жароҳат мутахассислигини олганида тиббиёт илми билан шуғулланишини давом эттиришини, жони дил билан халққа хизмат қилиб «раҳмат» олашини ниёт қилган эди. Бугун ўша орзулари ушалган. Фан номзоди бўлди, эл хизматига.

«Дори — дармонларга ружу қўймасдан атроф муҳитнинг экология ва санитария ҳолатини яхшилаш, ер ва сув ресурслардан самарали фойдаланиш, айниқса озодаликка алоҳида қараш керак» деб кўп таъкидлайди у. Турмуш фаровонлигига эришиш ҳам саломатлик тарзи, дейди. Бу вазифани амалга ошириш кўпроқ раҳбарларнинг, депутатларнинг ижтимоий — иқтисодий масалаларни қай тарзда ҳал этишига боғлиқ бўлади. Булар ҳам Алижон Ёриевнинг фикрлари. Ана шундай фикр эгасининг номзоди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан кўрсатилди. Партия ўзининг муносиб асосини тамади. Негаки, Алижон ака Ёриев эзгу ишни ҳар кун қиладиган одам. У доимо ёлғиз, кам таъминланган беморларга биринчи навбатда хизмат кўрсатади. Уларга бепул тиббий қўриқни йўлга қўйган. Депутатликка номзод сифатида сайловда дастурда ҳам тиббий қўриқни бепул йўлга қўйиш алоҳида кўрсатилган. Шунингдек, соғом турмуш тарзини қарор топтириш учун профилактик ишларни кенг олиб бориш зарурлиги ҳам дастурдан ўрин олган. — Эркакалар ошқозон яраси касаллигининг 70 фоизи чекиш билан алоқадор, — дейди шифокор, — ичин ва чекиш туфайли бу касал —

Маматкул БОЗОРБОВЕВ.

# 9 январь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Маҳаллий Кенгашлар Депутатлари Сайлови Бўйича Такрорий Овоз Бериш Куни! «Миллий Тикланиш» Демократик Партияси Номзодларига Овоз Беринг!

## Жаннатой Тошматова 38-Поп сайлов округи

Тошматова Жаннатой Сайфутдиновна 1967 йил 26 декабрда Наманган вилоятининг Поп шаҳрида туғилган. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши котиби. Маълумоти олий. 1992 йилда Тошкент Давлат Университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг Физика факультетини, 2004 йилда шу университетнинг Хуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Иختисоси — ҳуқуқшунос. Оилаи, 3 фарзанднинг онаси.



Химиянинг истиқболлари» китобларининг муаллифи, шу билан бир қаторда ёшларнинг маънавий савиясини ошириш, жаҳон санъати дурдоналари билан таништириш мақсадида ўзига хизмат қилувчи халқаро ва Республика кўргазмаларининг ташаббускори ҳамдир.

Хеч шубҳасиз, оила аталмиш муқаддас қўрғоннинг кўрки аёлдир. Оиланинг тинчлиги, ободлиги ҳар жиҳатдан аёлларга боғлиқ. Оилада меҳрибон она, фидойи рафиқа, уй бекаси бўлиш билан бирга жамоат ишларида, хусусан, сиёсат майдонида ҳам ўз ўрнига эга бўлиш осон иш эмас. Бу мушкул вазифаларни адо этиб келаётган аёллар эса, чиндан ҳам жамиятнинг ҳам кўркидир. Жаннатой Тошматова ҳам шундай аёллар сирасига кирди.

Бу йил ўтадиган сайловлар республикамиз хотин-қизларнинг сиёсат майдонида ҳам ўз овозига эга бўлиб, жамият ва оиласи манфаатларини

ҳимоя қилишнинг барча йўналишларида фаол иштирок этишларини имкон беради. Бундай имкониятлардан фойдаланиш учун дадил қадам ташлаган Жаннатой Тошматова депутатликка номзод сифатида ўз олдига аниқ мақсадларни қўйган.

— Бугунги кизгин бораётган жараёнда ҳар бир сиёсий партиянинг ҳам сайловолди дастурида хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бандлар борлиги ҳаммаимизга маълум, — дейди номзод, сайловолди дастури ҳақида гапирар экан. — Хусусан, «Миллий тикланиш» партиясининг дастурида ҳам. Шуларга таянган ҳолда менинг ҳам ўз олдимга қўйган муайян мақсадларим мавжуд. Аёллар ва ёшлар ўртасида ишсизликка иложи борича барҳам бериш, тадбиркор аёлларга ва улар томонидан ташкил этилган муассасаларга имтиёزلар белгилаш, болаи оналарга бериладиган нафаларни ошириш лозим. Бундан ташқари ҳозирги кунда таълим тизимига кўпчиликни ўйлантираётган муаммо — шартнома асосида ўқийётган талабаларни тўлаётган шартнома маблағи миқдорини камайтириш керак. Айниқса, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ногирон, маънавий ва моддий жиҳатдан ёрдамга муҳтож талаба — ёшлар учун қулайликлар яратишга ҳаракат қиламан. Булар баландаровот сўзлар эмас. Аёлларнинг оғирини енгил қилиш билан болалар тарбиясининг мукамаллигига эришилади. Тарбия, имли, ватанпарвар ёшлар эса, шубҳасиз, ўзбек халқининг миллат сифатида дунёга буй чўзишида ўзларининг беқийс ҳиссаларига эгадирлар.

Жаннатой Тошматованинг сўзларини тинглаб эканми, депутатликка номзодга кўрсатилган аёлларнинг эл-халқ учун фойдаси, эзгулиги мўл бўлажагига ишондик.

**Зумрад ВАХОВА.**

## Олим ЎСАРОВ 11-Тўқимачи сайлов округи

Олимжон Ўсаров ҳақидаги мақолани бошлаётганда, қани! Ўзасан... Ўзайтиганимиз хаёли очерк ёхуд «оқсозлар» бир нарса эмаски, ҳаётдан қаҳрамонининг эрта тонгда дала ўртасига тургази, уни гўёки ўз йўлига банди этиб, ёғайган «олачалпоқ» қорни — зумралга, шалоббо ёмғирни — марваридга қиёслаб чўчмал жумлаларни қаторлаштириб ташлаётган, ташлаётган... Олимжон — шўратпараст амалдор ёхуд таниш-билиш қў-ўп бойвачча эмаски, чўчмал очеркларга қаҳрамон бўлса...



ни ҳам уддалади, азамат! Шунингдек, Бутун Жаҳон Банкининг иқтисодий ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастури сертификатини ҳам қўлга киритдики, хайрон қолмай иложингиз йўқ. Бу ҳали ҳаммаси эмас.

Олимжон Ўсаров Халқаро кураш Ассоциациясида матбуот котиби лавозимда иш бошлаганида йигирма саккиз ёшда эди. Янги ишонасида фақат «пресса» билангина андармон бўлмади кураш билан жиддий шуғуллана бошлади, спорт усталлигига номзод бўлди, бир йил ўтиб кураш бўйича халқаро, ха, ха — ХАЛҚАРО тоифадаги судья макотида эришти. Кў-ўпгина халқаро мусобақаларда куч синашаётган иккита девдани полвон ўртасида уларнинг харақатларини чаққонлик ва моҳирлик ила баҳолаётган жижкакича, пишиқкина йигитга кўзингиз тўша билдингиз, у — Олимжон Ўсаров!

Бир эмас, иккита институтни тутатган, Олимжон ётар, бўлди — олим бўлдим, демади, дейиши мумкин ҳам эмасди. Энди у мезонини бандор қўйиб, нуфузли хориж билимгоҳлари, ўқув марказларида ҳам кучини синаб кўрди. Натича — аҳоли! Қисқа вақт ичида Туркия, Россия, АҚШ, Арманистон давлатларида бўлиб, журналистика ва ҳуқуқшунослик соҳаларида малака ошириб қайтди.

Олимжон журналистман, деб, — микрофони, ҳуқуқшуносман деб — тўрта кодкежа ёпишиб олган. Гоҳ гурбат, гоҳ роҳат бўлиб иккала соҳа юмушларини уддалаш асосида шеър, наср ёзишни ҳам бойлай-

ди. Шеърларики, ўнча-муноа шорилқ давросида юрганлариникидай бехорқ, насрики, олд-қонди «оқсозлар» йилгиндиқиндан иборат эмас. Битта эмас, нақ учта шеърли китоби ва «Тунги котиллик» киссаси чоп этилганда қаҳрамонимиз ҳали Лермонтов ёшига етмаганди.

Шундангача Олимжон — олимгина йигит, бироқ буну ҳужжатда ифода бўлиб қўйишга астойдил бел боғлаган. Айни кунда «Суд ишларини юриштириш аҳолилик принципи: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ниҳоят арасида.

Қаҳрамонимизга яна бир сифат бериладиган бўлсақ, у қуйидагича кўриниш олади: Олимжоннинг палаги ҳам, пилги ҳам тоза; ота-онаси оддий дехқон, фақат ҳалол меҳнатлари эвазига топан даромадидан фарзандларини боқиб, улғайтиришган. Олимжон ижтимоий ҳаётда нечоғли фаол бўлса, шунчалик ҳалол ҳамчунлик иккита муноқад қили, битта кўнжодай ўглини қалб қўри-ю кўз нури билан топан пулига боқиб, тарбияламодди... Дарвоқе, кенонимиз ҳам ақли қалам тоифасига кирди, ўз номини ўзи билан: Адирба! Адирба! Хамро кизини ўқиган қизарисиз? Балли.

Зуко газетхонлар аллақачон илганган бўлишлари керак, кейинги пайларда Ўзбекистон Республикаси Олий Суд фаолияти, шу даргоҳ ташаббуси билан ўтказилган қўлаб халқаро илмий-амалий анжуманлар, уларнинг амалдаги ҳосилалари ҳусусида оммавий ахборот воситалари кўп ва ҳўп илик гаплар айтишмоқда. Бунда ҳам Олимжон Ўсаровнинг хизматлари қатта. Бундай эътирофга молик ишларни амалга ошириш нечоғли меҳнат талаб қилса, уни жамоатчиликка етказиш машаққати ҳам бундан оз эмас. Олимжон Ўсаров айни кунда Олий суднинг матбуот хизмати раҳбари сифатида ўз вазифасини сийдиқидан сийдиқ ила адо этганлиги бугун барча гувоҳ. Шунингдек, Олий суднинг «Ахборотнома» ҳуқуқий илмий-амалий журналинда ҳам «Кўч — адолат» газетасининг мазмун-мундарижаси, шакил-шамойили жиддий ўзгарган, чуқри иккала наширнинг Бош муҳаррири Олимжон Ўсаровда!

26 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда тўрт нафар давogarлар орасида энг кўп овоз олдирди: са-ал кам эллик фозил! Айни курсатқининг ўзбек ҳамкасбини сайловчилари кўнлига нечоғли йил топа олгани, сайловчиларнинг аксарияти эса номзод таллошда англошмаганини кўрсатиб турибди. Юқориди Олимжоннинг ҳасби-халини ўқидигини. Қалай, О. Ўсаров депутат бўлишга лойиқ эканми? Балли. Санокли кўнлардан сўнг ўтадиган сайловнинг иккинчи босқичида қаҳрамонимизни қўлланг, овоз беринг! Янглишмайсиз. Кафиллик бизнинг гарданда.

**Турсунали АКБАРОВ,**  
журналист

## Облоқул Қувондиқов 50-Иштихон сайлов округи

Облоқул Қувондиқов 1939 йилда Қўшрабод туманида туғилган. «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Иختисослиги физик. Физика — математика фанлари доктори, профессор, Самарқанд Давлат университети умумий маърифат ҳодисалари физикаси кафедрасининг муdiri О. Қувондиқов Республика Президенти ҳузуридаги «Истеъдод» маркази томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг яхши мураббийси» (2000 йил), «Йилнинг энг яхши илмий раҳбари» (2001 йил) танловларида ғолиб чиққан. 2002 йилда педагогика Фанлари Халқаро Академиясининг муҳбир аъзоси этиб сайланган «Самарқанд Давлат университетида хизмат кўрсатган профессор» фахрий унвонига эга. Вазиrлар Маъкамаси ҳузуридаги Олий Атгестация Комиссиясининг аъзоси.

Облоқул Қувондиқовнинг сайловолди дастурининг устивор йўналиши — инсон, унча ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат. Миллий қадриятларини тиклаш ва уни қадрлаш, миллий истиқлол ғоясини тўла шакллантириш, миллий тилини маънавий ривожлантириш асосий омилларидан деб қараши, уни давлат тили сифатидаги халқаро муносабатлар, илмий, ҳаётий муомилаларда ва барча соҳаларда кенг қўлланишига эришиши.

Сийосий соҳада: — Жамиятга қонун устиворлигини таъминлаш, маъмурий буйруқ-бозик қолдиқларидан ҳалос бўлиш, тўрачилик, порохўрлик, таъмагирликка қарши кураш олиб бориш, фуқаролик ва ҳуқуқий давлат қуриши бўйича ишлаб чиқилган тамойилларни амалга ошириш бўйича тақлифлар бериш;

Терроризм ва экстремизмнинг зўравон кўринишларига, оммавий қирғин курулини тарқатишга, гинёхвандлик воситаларини, психотроп моддалар ва уларнинг ноқонуний ишлатилишига, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши самарали ҳаракат қилиш.



Иқтисодий соҳада:

— Тадбиркорликни, ҳунармандчиликни ривожлантириш, кичик ва хусусий бизнесни давлат томонидан қўллаб қувватлаш ва уларни сонини кўпайтиришга кўмаклашиш; — атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатмайдиган технологиялар, корхоналар ва хўжалиқларнинг қўлайлигига кўмаклашиш, ишсизликнинг олдини олиш мақсадида маҳалла, қишлоқ ва бошқа аҳоли зич яшайдиган жойларда маҳаллий шароит ва бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда кичик бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни хар тамоналама қўллаб қувватлаш ва уларни ҳимоялаш; — Дехқоннинг ерга эгалик қилиш тушунчасининг қарор топишига ёрдамлашиш, унинг ишлаб чиқарган маҳсулотини тасарруф этишни, олинандиган даромадга ўзи эгалик қилишни қўллаб қувватлаш; — Қонунчиликнинг иқтисодий таъсирини ўрганиш бўйича чет эл ва давлатимизда эришилган фан уютуқлари ва тажрибалардан кенг фойдаланиш; истиқболни белгилайдиган қонунлар қабул қилиш бўйича тақлифлар бериш.

Таълим соҳасида: — Таълим тўғрисидаги ги қонун ва «Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» талаблардан келиб чиққан ҳолда қўйидагиларни амалга

ошириш лозим; — давлатимизда ма-софали таълим тизимини кенг жорий қилиш, бу орқали фуқароларимизга бутун ҳаёти давомида узликсиз таълим олишга кенг имконият яратиш, айниқса, ўқиниш билан чиқаришдан ажралмаган ҳолда фойдаланиш.

— Олий ўқув юртиларида мутахассислар тайёрлашнинг сифатини кўтариш.

— Олий ўқув юртиларига киришни кенгайтириш ва бу билан халқнинг маърифий даражасини кўтариш, ҳақнинг энг юқори даражадаги саводхонлигига эришиш, таълим учун ва кенг миқёсда имконият берадиган шароитлар яратиш;

— Олий ўқув юртиларида контракт тўловларини оширмастик, аҳолини даромадларини ҳисобга олган ҳолда имтиёзлар тизимини барпо этиш.

Ижтимоий ҳимоя соҳасида: — Солиқ тизимини соддалаштириш, айниқса олий, ўрта, ўрта махсус ўқув юртилари ўқитувчилари ва шир-қоворлардан олинандиган солиқ миқдорини 2—3 марта камайтириш;

— Меҳнат ва уруш фахрийлари, ногирон, кам таъминланган оила-ларга ҳар томонлама енгилликлар бериш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш, айниқса ногирон, кам таъминланган оилаларга арзон-лаштирилган миқдорда дори дармонлар бериш, қишлоқ аҳолисига тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизматини йўлга қўйиш.

— Қишлоқ аҳолисининг транспорт, алоқа, газ ва электр таъминотини яхшилаш бўйича тегишли давлат идораларига тақлифлар бериш.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар орасида Облоқул Қувондиқов ўз сайловолди дастурининг ўзига хослиги билан бош-қалардан ажралиб туради. Ха биз у кишини чин маънодаги зиёли инсон дей баррала айта оламиз. У 50-Иштихон сайлов округидан Қонунчилик Палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган. Иштихонликлар юртдошларининг бу фикрларига бевзйвор бўлишмайди ва уни қўллаб — қувватлайди деб умид қиламиз.

**Суннатилла ИСЛОМОВ**

## Нуқулжон ЮСУПОВА 67-Кумқўрғон сайлов округи

Шўрчилик сайловчилар билан учрашув чоғи уй бекаси Сафарход Бойназаровага ҳам сўз берилади. У 67-Кумқўрғон сайлов округидан Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлардан бири Нуқулжон Юсуповани ёқлаб гапирди: «Қамқонлик касаси билан оғриган қизимнинг тироқ тузалиб кетишини истаб туман бўйлаб бормаган жойим қолмади. Ниҳоят Нуқулжон опага муржаат этдим. Раҳмат, бу кижига берадиган ёрдамлари билан ниятимга етдим. Хозир қизимнинг соғамига етдим.

Залдаги яна бир кўп болаи онанинг дил изҳори Сафархўл сўзларига ҳамоҳаз бўлди. Ха улар учрашувга ўз ихтиёри билан келишган эди. Боз устига муносиб номзодни танашиш ва уни ёқлаб овоз беришга даъват этишга ҳам эркин муносабат бўлдириши. Нуқулжон тобора шаклланиб бораётган демократик таъминотларнинг бундай ёрқин кўри-нишларидан беҳишёр баҳра олади. Энг муҳими вилот ҳокимиятининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича мажмуаси котибият муdiri сифатида ўрни борлигидан севиниб қўйди. Одатда эл назарига тулиш осон гап эмас. Бунинг учун кўп ва изчил ҳаракат керак. Айниқса жамиятнинг асосий бўғини саналган оилада соғом муҳитини таъминлаш кишидан катта куч маҳорат талаб этади. Амадаги бозор муносабатларига ўтиш шароитида оилани ижтимоий муҳофаза қилиш долзарб масалага айланади. Кам таъминланган кўп болаи, боқувчисини йўқотган ва ногирон фарзандлари бор оила-ларга кўмаклашиш мажмуа раҳбари бўлгани учун ҳам Нуқулжонга катта масъулият юкади. Муржаат этган-ларга шахсий томорқа, хўжалиги учун ер олишда, фермерлик ва тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилишда оила аъзоларининг бирини ишга жойлаштиришда ва ниҳоят сало-матликни тиклаш масаласида имкон қадар ёрдам берилади. Буларнинг барчаси оилавий низоларнинг олдин оилада муҳим аҳамият касб этмоқда. Албатта, тилга олган муаммолар синлиққина ҳал бўлгани йўқ. Нуқулжон Юсупова гоҳ туман, шаҳар ҳокимликларида, гоҳ қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йи-



ғинида бўлиб, фуқаролар муржаатлари юзасидан масалаларга. Шу билан бирга оила-сингилларимизнинг ҳуқуқий ҳамада тиббий саводхонлигини ошириш учун қўзланган тадбирларни йўлга қўйишда Нуқулжоннинг ўрни сезилиб турди. Ҳозир вилотнинг Жа-рқўрғон, Термиз ва Музрўбод туманларида «Соғом оила» лойихаси асосида тиббий муассасалар замонавий жиҳозланган. Халқаро ҳамкорлар билан биргаликда олиб борилаётган бу савобли иш жорий йилда яна учта туманда йўлга қўйилди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида «...Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» дейилган. Ана шу қонуний қоғолат ижроси вилот ҳокимиятининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича мажмуаси диққат этиборида турибди. Утган йилдан эътиборан, ни-коҳ ёшидаги йигит-қизларни тиббий куриқдан ўтказиш, қиз болаларни турмушга тайёрлаш тадбирлари кенг йўлга қўйила бошлади.

— Биз вилотдаги етим ва ота-оналарнинг вазийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитиш таъминлашга ҳам алоҳида аҳамият бермоқдамиз, — дейди Н.Юсупова. Утган Меҳр ва муруват йилида бир қатор савобли ишлар амалга оширилади. Бойсундаги 12-Меҳрибонлик уйи ва Шўрчи, Денов, Сарисое туманларидаги махсус ин-

тернат — мактабларга ҳоимлик ёрдамлари кўрсатилади.

Кўнгли ўқисқ болалар муҳофазаси билан боғлиқ бундай тадбирлар меҳр — муруват кўрсатиш бобида, шубҳасиз, эътиборга лойиқдир. Тўри, бундай ишларда вилотнинг ҳиммати баланд кишилари доим эътибор билан ёндашишади. Бироқ Нуқулжон шундай қўнгли ободилари сабаб рўй берган шодлик оналарини кўриб, ўзида мамнуналик сезади.

Айни пайтда Нуқулжон Юсупова «Миллий тикланиш» демократик партиясининг аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатишга иштирокчи. Асли у Хоразм фарзанди. Урганчада таваллауд тошган. Аммо Сурхон замини ҳам худди она юрти Хоразм каби азиз ва муқаррам бўлиб қолган. Қарийб 20 йил бўлаётгани, тадбиркор инсон Расулжон Пулатов билан тинч-то-тур турмуш кечириб келмоқда.

Мустиқиллик йилларидаги туб ўзгаришлар, хусусан, миллий қадриятлар тикланиб бораётганини тобора ўзгиртиришга қайтаётганимиз Нуқулжонга олам — олам кўнот бахш этаётганини сир эмас. Негаки, он-гимизда миллий истиқлол ғояси шаклланганига, ажодлардан қолган бебаҳо маданий меросларга меҳрини миз ошди, ўтмишимизнинг қадрига этиб, келажак қўрғони мустиқкам бўлишига эришамиз.

Нуқулжон қадимий Термиз ва Хива осорини атиқаларга ўзига хос уйғунлик борлигини кўргандек бўлади. Ҳар иккала шаҳар юбилейлари фақат истиқлол йилларида нишонланганлигидан қувонди. Бундай тўйлар сабаб тарихий обидаларга сайқал берилади.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ўз сайловчиларига бўлаётган учрашувларда фақат истиқлол бераётган имкониятлар ҳақида эмас, балки оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, миллий тикланиш масалаларида ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини ҳам бидири-моқда. Унинг Тожикистон алюмин заводи зарари, йод танқислиги ва баъзи оила-сингилларимизнинг бил-либ — билмай нарқобизнес бозорига ўралашиб қолаётгани билан боғлиқ мухоказалари учрашув қатнашчилари эътиборини тортаётганини сир эмас. Дарвоқе, Нуқулжон Юсупова қадар топан куларимизда эл-юрт дарди билан ишамоқда.

2005 йилнинг 9 январини «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоди кўрсатилган фидойи аёл Нуқулжон Юсупова ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолса ажаб эмас.

**Нортожи ЗИЁЕВ.**

# 9 ЯНВАРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА ТАҚРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ КУНИ! «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Шарифа САЛИМОВА

77-Паркент сайлов округи

Салимова Шарифа Эгамбердиевна 1951 йил 30 декабрда Тошкент вилоятининг Паркент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1974 йили ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини битирган. 1974-1987 йилларда Ўзбекистон Телевидение ва радиозиттиришлар Давлат кўмитасининг чет элларга эшиттиришлар бўлими «Ватандош» радиостанциясида бўлим мудир, кейинчалик «Саодат» журналида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бўлим мудир, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент вилояти бўлими раҳбари, 1999-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти дeвони масъул ходими, ҳозирги кунгача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Оила ва аёллар муаммолари» комиссияси раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.



риятларимизга алоҳида эътиборда бўлишга, шунингдек, ёшларнинг дунёвий билимларини оширишга, ҳар бир соҳада жадал иш олиб боришга ундайди.

Айниқса, ёшлар билан ишлаш юзасидан замонавий, жаҳон стандартларига жавоб берадиган йул билан изланишлар олиб бориш, янгиликлар яратишнинг тарафдори у. Бундан ташқари, баркамол авлодни тарбиялашда соғлом оиланинг ўрни, жамият, маҳалладаги муқимнинг салмоқли таъсирини унутмасликни ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Партияимизнинг бош мақсади миллий тикланиш йўли, унинг бош қаҳрамони комил инсон эканлигини унутмайди у.

Аёллар муаммоларининг ечимини ахтариш, уларни ўрнида ҳал этишга интилиш кераклигини айтиди

Шарифа Салимова истеъдодли шоира ва ўткир публицист сифати-

да халқимиз меҳрини қозонган. Унинг « Ҳаёт завқи», «Менинг баҳорим», «Ҳизр булоғи» каби шеърӣ тўпламлари ва дostonлари, олон тилидан ўзбек тилига ҳаммуаллифликда ўнгирган «Етти окуш» каби таржималари, «Гиёҳлар билан тиллашган инсон», «Тонгга қасам» каби публицистик асарлари ўз мухлисларига етиб борган.

Шарифа Салимова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси комиссияси раиси сифатида мамлакатимиз равнақи йўлида хизмат қилувчи ўнлаб қонун лойиҳаларини яратишда, қонун ижроси юзасидан жойларда назорат-таҳлил фаолиятини олиб бориш, долзарб мавзуларда илмий-амалий конференциялар ўтказиш, фуқароларнинг муносабатлари билан ишлаш борасида қизғин фаолият олиб бори.

Шарифа Салимова Ўзбекистон - Бельгия, Ўзбекистон - Ҳиндистон дўстлик жамиятларининг аъзоси ҳамдир. У айти пайтда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси хотин-қизлар масалалари бўйича котиб ва Тошкент вилояти кенгаши раиси сифатида ҳам кенг жамоатчилик ишларига етакчилик қилиб келмоқда.

Шарифа Салимова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонига эга.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Салимова Шарифа Эгамбердиевна 77-Паркент сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

Гулбахор ОРТИКҲҲАЕВА

## Абдурашид ТЎХТАБОЕВ

20-Қўрғонтепа сайлов округи

Тўхтабоев Абдурашид Турсунович 1953 йил 4 сентябрда Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги Қўш-тепа қишлоғида ишчи-деҳқон оила-сида туғилган. 1961 йил - 1971 йилларда ўрта мактабда ўқиб, уни олтин медал билан тамомлаган тамомлаган.

1971 йили Тошкент политехника институтига Фуқаро - саноат курилиши факультетининг қурилиш иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш мутахассислиги бўйича ўқишга кириб, уни 1977 йили имтиёзли диплом билан та-момлаган ва иқтисодчи - муҳандис иқтисослигини олган.

Абдурашид Турсунович меҳнат фаолиятини Тошкент политехника институтидан 1977 йил сентябр ойдан кичик илмий ходим вазифасидан бошлаган ва 1977 - 1981 йилгача турли лавозимларда ишлаган.

1981 - 1984 йилларда Москва бошқариш институтини аспирантурасида тахсил олди. У ерда номзодлик диссертациясини муздатида олдин ҳимоя қилди. 1984 - 1992 йилларда Тошкент Халқ ҳўжалиги институтини Андижон филиалида ассистент, доцент, декан, кейинроқ эса директор муовини вазифаларида ишлади.

1986 йили доцентлик унвонини олди. 1992 - 1999 йилларда Андижон Иқтисодиёт ва бошқарув институтини, кейинчалик Андижон Муҳандислик - иқтисодиёт институтини проректор лавозимида ишлади.

2000 йилнинг январидан «Менжмент» кафедраси мудир лавозимида ишлаб келмоқда. Шу билан бирга абдурашид Тўхтабоев вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Заҳидадаги кадрлар



мактаби» директори лавозимида фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят кенгаши раиси. Унинг 60 дан ортиқ илмий, ўқув - услубий ва илмий - оммабоп ишлари чоп этилган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 70 босма таборнинг ташкил этади.

А.Тўхтабоев томонидан 2000 - 2004 йилларда битта монография (Жойларда кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш масалалари) урта ўқув қўлланма («Ташкилий ҳатти - ҳаракатлар», «Маъмурий менежмент», «Жараёнлар менежменти») каби илмий китоблари чоп этилди. Бевосита унинг раҳбарлигида урта номзодлик диссертацияси ва битта докторлик иши бажарилмоқда.

Оқоридагилар билан бир қаторда Абдурашид Тўхтабоев жамоатчилик ишларида ҳам доимо фаол. У 1991 - 1995 йилларда халқ депутатлари Андижон шаҳар кенгаши депутати сифатида мамлакатда амалга оширилган сиёсий, ижтимоий - иқтисодий

ислохотларнинг фаол тарғиботчиси сифатида кенг фаолият олиб борган. Унинг меҳнатлари муносиб баҳолалиб, 1992 йили «Мустақиллик», 1998 йили «Олий таълим аълочилиги» кўкрак нишонлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

А.Тўхтабоев ёш кадрларнинг меҳрибон мураббийси, ўз жамоадошларини янгиликка ундовчи, ташаббускор, ҳалол, пок, ислохотларнинг жонқуяр тарғиботчиси сифатида ўз жамоаси ва вилоят фаоллари орасида катта ҳурмат топган. Оилали, тўрт нафар фарзанднинг отаси.

Абдурашид Тўхтабоев мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда ўзининг баҳоли қудрат ҳиссасини қўшиб келмоқда. У 1993 йил декабр ойида мамлакат президенти И.А.Каримов раҳбарлигида бўлиб ўтган тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида иштирок этган ва амалий тақлифлар киритган.

Партияимиз фаоли сифатида унинг ишчанлиги, ўз ишига пухталиги, ҳар доим тартиб билан ишлашни инобатга олсак, А.Тўхтабоевнинг муносиб номзод дейиш ўринли.

А.Тўхтабоев «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан 20 - Қўрғонтепа сайлов округидан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатилган. Андижонлик сайловчилар ўзарининг фидойи, жонқуяр тарғиботчиси бўлган муносиб номзодларига овоз беришга ишонамиз.

Раҳимжон БЎРИБОВ.

## Муҳаббат ЧОРИЕВА

63-Шеробод сайлов округи

Чориева Муҳаббат Ахмедовна 1966 йил 25 майда Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида туғилган. Олий маълумоти. У 1991 йили Тошкент Давлат университетини ҳуқуқшунос мутахассислиги бўйича та-момлаган. Иш фаолиятини Сурхондарё вилояти судида котибалиқдан бошлаган. 1990 йили Шеробод туман юридик маслаҳат уйида адвокат вазифаларида ишлаган. 1996 йилдан бери Шеробод туман ФХДБ бўлим мудир лавозимида фаолият юритмоқда.



дан сайловдан учрашувларда, халқ билан юзма - юз туриб, фикрлашиб олмақдамиз. Бу келажакда ўз мевасини бериши аниқ. Ахир бу жараёнлар бизга берилган энг катта имконият - ку! Бир сўз билан айтганда, биз дастуримиздаги муаммоли масалаларни шу учрашувларда одамлар билан келишиб, ечимини топиш йўлини ахтарамиз. Ана шунини унутмаслигимиз зарур.

Дарвоқе, депутатликка номзоднинг сайловдан дастури билан қизиқдик. Мамлакатимизда ҳақиқатча давом этаётган хом ашё та-сарруфига асосланган иқтисодни туратиш, бунинг ўрнига қишлоқ ва шаҳарларга тезроқ замонавий қайта ишловчи, экологик жиҳатдан хавфсиз хорж технологияларини олиб кириш, оқилона ва узоқ келажакка мўлжалланган саноатлашув жараёнини тезлаштириш режаларини ривожлантиришни зарур деб ҳисоблайди у.

Яна унинг хусусий ташаббусни қўллаб қувватлаётганини халқ манфаатини кўзлаётганидан деб тушуномимиз керак. Номзод да-

стурдаги режаларни амалга ошириш мақсадида ҳукумат олдига тақлифлар билан чиқади.

Шунингдек, малакатимизнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларида қўл меҳнатини кўп талаб қилувчи, ҳозирда асосан импорт ҳисобига таъминланаётган радиотехника, компьютер технологиялари ва маиший техникаларни ишлаб чиқарувчи қувватларни барпо қилиш сингари вазифалар ҳам унинг назаридан четда қолгани йўқ.

Муҳаббат Чориева сайловдан учрашувларида ҳамisha ана шундай, одамларимиз учун зарур бўлган масалаларга ҳам алоҳида меҳр билан муносабатда бўлганининг гувоҳимиз. Ишсизлик муаммосини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ички ва ташқи миграцияни ташкил этиш, шу йўналишда 15 - 20 йилга мўлжалланган давлат дастурини тузишни тақлиф этади. Бунга ўз муносабатини билдиради. Ҳар бир шахсда Ватаннинг истиқболига масъуллик бўлишини, моддий, маданий, маънавий бойликларимизни, миллий қадриятларини эъозлаш, миллий ғурурнинг шакллантириш, Ватанпарварлик руҳида фарзанд тарбиялаш сингари келажак учун манфаатли йўлдан боришни ўйлайди у.

Бу жараёнларда дунёвий қадриятлар билан муштарак ишлашни тақлиф этиб, баъзи ўринларда атрофдагиларнинг фикрларига шахсий муносабатини ҳам айтиб беради.

63 - Шеробод сайлов округига партияимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига Муҳаббат Чориеванинг номзоди кўрсатилган. Сайловчилар оқоридаги дастурда айтиб ўтилган муаммоларга бe-фарқ бўлмайди ва муносиб номзодга овоз беради деб умид қиламиз.

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА.

## Шохистахон УЛЬЖАЕВА

83-Бешариқ сайлов округи

Жамиятимизда ана шундай эзгу ният билан яшаётган инсонлар кўпчилигини қувонамиз. Сайловдан жараёнларида яхши ниятли, фидойи, ўз соҳасининг билимдони бўлган бундай кишиларни кашф этидик, десак муболага бўлмайди. Мақолаимиз қаҳармони ҳам шундай ибратли, яхши фазилатли аёл, муносиб номзод.

«Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 83 - Бешариқ сайлов округидан номзоди кўрсатилган Ульжаева Шохистахон Мамажоновна 1967 йили Фарғона вилояти Бешариқ туманида туғилган. Маълумоти олий. 1990 йил Тошкент Давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг тарих факультетини тугатган. Иш фаолиятини 1990 йили тарих факультетида ассистент вазифасидан бошлаган. 1991 - 1999 йилларда Тошкент давлат университети тарих факультети ўқитувчиси, 1999 - 2002 йилларда тарих факультети катта ўқитувчиси вазифаларида фаолият олиб борган. 1999 йилда «Амир Темур ва теурийлар даври тарихнавислиги» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1997 йили Франциянинг Ренн университетига малака оширган. 2001 йилда эса, Тошкент давлат юридик институтининг докторанти, 2002 йилда доцент вазифасига ўтган ва шу даврда Наманган давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Ҳозирги кунда эса, Тошкент Кимё - технология институтини «Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ» кафедрасининг мудир.

У нақадат ўзига, балки ҳамкасбларига, кафедра аъзоларига ва талабаларга нисбатан ниҳоятда талабчан. Бошлаган ишнинг ҳамisha юксак самара билан ниҳоятга етказилади. Шу билан ҳам Шохистахон Ульжаева қилган маърузалар мароқли ва баҳс-мунозараларга бой бўлади доим.

Бутунги кунда Шохистахон Ульжаева томонидан 70 га яқин илмий



ишлар қилинган. Тарихчи олим ва ҳуқуқшунос бу аёл шахс сифатида кучли характер соҳибаси. У бир сўзла ва қатъиятчи. Энг муҳими, у яхши дўст ва меҳрибон она.

Унинг сайловдан дастури Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг платформасига асосланган бўлиб, кўплаб ечимини кўтиб турган, халқни ўйлантираётган муаммолар дастурдан ўрин олган.

Оналик ва болаликни, ногиронлар ва пенсионерларни ижтимоий муҳофаза қилиш, узоқ умр кўришни таъминлаш йўлида тиббий хизматни тубдан яхшилаш борасидаги дастурларда иштирок этиш, қашшоқликни енгиб ўтиш, ва аҳолининг энг муҳтож қатламларини давлат томонидан ижтимоий қўллаб - қувватлаш бўйича тузилаётган миллий дастурда партиянинг ўз тақлифлари билан чиқишини таъминлаш доимий назоратда бўлади.

Хусусий мулкчилик ва мулкдорларнинг ҳуқуқини поймол қилинмаслиги учун кураш олиб бориш, мамлакатда раро иқтисодий алоқаларни кучайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ички рақобатни кучайтириш орқали юксалтириш ҳамда мамлакатда либерал иқтисодий маконини вужудга келтиришни глобаллашувни чуқурлаштирувчи энг муҳим омиллардан деб

ҳисоблаш, бундан ташқари қтисодиётда таркибий ўзгаришларни доимий равишда янгилаб бориш, ўз маҳсулотлари билан жаҳон иқтисодиёти ва савдо тизимида муносиб ўрин эгаллаш олодиган замонавий тармоқларни жадал ривожлантириш, бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун ташаббуслар билан чиқади.

Аҳолининг истеъмоладарасини кескин кўтариш ва уни ривожлантирган мамлакатлар даражасига етказиш, олий ўқув юртиларида мутахассислар тайёрлашнинг сифатини яхшилаш, бунинг учун олий ўқув юртигача бўлган таълим тизими - умумий, ўрта, ўрта - махсус таълим битирувчиларини тайёрлаш сифати ва унинг олий таълим билан узвийлик даражасини таъминлаш гадаги муҳим вазифалар қаторида турибди. Касб - ҳунар коллежларига ўқувчиларни жалб қилиш ва уларда ўқиб сифатини ошириш бўйича тегишли чора - тадбирлар ишлаб чиқаришда фаол қатнашиш ҳам дастурда алоҳида ўринда белгиланган. Терроризм ва экстремизмнинг зуравонлик кўринишларига, оммавий қирғин куролларини тарқатишга, гиёҳванлик, уюшган жиноятчиликка қарши самарали ҳаракат қилиш ҳам режадаги вазифалар қаторида бор.

Партияимизнинг сайловдан дастуридаги барча масалаларни жойида ҳал қилиш учун биздан ишчанлик, ўзимизга нисбатан назорат талаб этилишини ҳам унутмаслигимиз керак, - дейди Шохистахон Ульжаева. - Депутатлик шарафли вазифа бўлиши билан бир қаторда кишидан юксак масъулият талаб қилади. Чунки, сенга иншон ва сен учун, эртанги ёруғ кунига умид қилиб овоз берган халқнинг ишончини оқлаш керак!

Халқнинг ишончини қозонган, умар кўнглидан жой олиб улгурган кун маънодаги фидойи инсоннинг 83 - Бешариқ сайлов округидан депутатликка номзоди қўйилган экан, Фарғоналиклар бу муносиб номзодни қўллаб - қувватлайди, деб умид қиламиз.

Мансур КОДИРОВ.


# 9 ЯНВАРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА ТАҚРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ КУНИ! «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Эргаш ҒАҒҒОРОВ 68-Шўрчи сайлов округи

Эргаш Ғағғоров 1958 йили Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида деҳқон оиласида туғилган. ТошДУ ҳозирги УМУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1975 йили Шўрчи пахта тозалаш заводида ишчиликдан бошлаган. 1980 йили «Тоштекстильмаш» заводида ишчи, 1986 — 1987 йилларда Сарийосиё ва Олтинсой туманларида юридик маслаҳатчи-адвокат, 1992 йили Шўрчи тумани прокуратурасида прокурор ёрдамчиси, 1993 йилдан Сурхондарё вилояти прокуратурасида вилоят прокурори ёрдамчиси, 1994 йилдан вилоят прокуратурасида вилоят Ички ишлар бошқармаси тергов ва суриштирувни назорат қилиш бўлими прокурори, 1997 йилдан Сурхондарё вилоят суди судьяси вазифаларида фаолият кўрсатган. 2000 йил 28 декабрдан бошлаб Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди судьяси вазифасида ишлаб келмоқда. Ғағғоров Эргаш ўз хизмати даврида жамиятимизда қонун устиворлигини қарор топтириш, ҳуқуқий кадр-қимматни улғушлаш, хусусан, судда қўриладиган ишларнинг сифатини ошириш борасида ҳамisha жонбошлик кўрсатиб келмоқда. Мамлакатда фуқаролик судларининг мустақил фаолият юрйти бориши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, фуқаролар орасида ҳуқуқий билим сирларини оммалаштириш борасида ҳамisha жонбошлик кўрсатиб келмоқда. Айна вақтда жамиятда фуқаролик судининг судьяси нақадар муҳим урин эгаллаш зарурлигини, судьялик шарафли ва юксатмасъулиятли вазифа эканини исботлашни ўзининг касбий ва инсоний вазифаси, бурчи деб билади.

— Менинг сайловда режамнинг асосий мазмуни партиянинг сайловдаги платформасига асосланган — дейди Эргаш Ғағғоров. — Ҳар бир оиланинг яхши ҳаёт кечирishi учун имко-



ниятлар яратиш. Одамларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини ва фуқароликларини таъминлашга қаратилган бериш. Уларнинг тинч-осойишталигини, ишончини ҳимоя қилишдан иборат. Айниқса, ўқитувчилар, шифокорлар, ҳамширалар, пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар манфаатини ҳимоя қилишга партия аъзолари билан ҳамкорликда иш олиб борамиз.

Турмуш фаровонлиги ҳар бир инсоннинг муҳим иш билан таъминлашига боғлиқ. Бу ёқда эса ақсар ёш йигит-қизларимиз ишсиз. Турли кўнгилсизликлар, нохуш ҳоллар ва жиноятчиликнинг келиб чиқишига айна шу ишсизлик сабаб. Демак, янги иш ўринлари очиб берадиган давлат миқёсида ташаббускорлик қилиш пайти келди.

Мамлакатимизда ҳаётимизни етарли даражада ҳимоя қила оладиган янги қонунлар қабул қилиниши керак. Қонунлар устуворлигини таъминлаш — бу мамлакат ривожини, ўз навбатида халқнинг турмуш шартини яхшилаш калити ҳамдир.

Ҳозирда вилоятларда, қишлоқларда ишсизлик муаммоси мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайдми. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида кўпроқ ўйлаш керак. Яна бир муаммо, қиш-

лок жойларда тиббий хизматни таъминла янгича изга кўчириш фурсати етди. Биз эртанги кунимиз ҳақида қайғурар эканмиз, аввало соғлом авлодни камол топтириш ташвишлари ҳар биримиз ўз вазифамиз деб билмоғимиз керак. Партиямиз аъзоларининг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги, ўқув юртлари ва тиббиёт соҳасида ишлайди. Уларнинг ва сайловчиларнинг «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун ва бошқа турли қонунчилик ҳужжатларининг янги таҳрирларини тайёрлаш, қабул қилиш малакали педагог ва тиббиёт ходимларининг иш ҳақларини меҳнатига яраша кўпайтириш масалалари диққат-эътиборимизда бўлади. Жамиятимиз ривожланиш сари қадам қўйиб борар экан бугун қабул қилинаётган қонунлар сифатини ошириш керак. Қонунлар давлат манфаати учунгина эмас, аввало, фуқаро манфаати учун хизмат қиладиган бўлиши керак. Бизда ҳали ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашувини тўла қафолатлайдиган қонунлар йўқ. Бу бўлишқини тўлдирish вақти алақачон етган. Тўғри, бизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида қонунлар қабул қилинган. Аммо, рости бу соҳа барча ёшлар қатламига қамрай олмайдми. Гигант корхоналар барпо қилиш, азалдан мавжуд, аммо ишламаётган шундай улкан корхоналарга иккинчи умр бағишлаш керак. Агар халқимизнинг ишончига сазовор бўлиб депутат деган шарафга эришсам, қатор қонунларнинг муқаммал, ҳаётдаги реал вoқеиларни ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштирилишига ҳаракат қиламан. Олий Мажлиснинг бўлажак Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси орақали давлат ҳокимияти қонунчилик вакиллик тармоғининг навбатдаги қақриғида бюджет ва молия сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтиришга оид ҳужжатларни тайёрлашда фаол бўламан.

Эргаш Ғағғоров 68-Шўрчи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган экан, зеро халқ ўзининг муносиб фарзандига овоз беради, деб умид қиламиз.

**Муҳаммад СИДДИҚОВ.**

## Жума ЧОРШАНБИЕВ 66-Жарқўрғон сайлов округи

Жума Чоршанбиев 1951 йили Сурхондарё вилояти Бойсун туманида туғилган. Бойсун туманидаги ўрта мактабни тамомлагач, 1963 йили Тошкент Давлат университетининг кимё факультетини, 1991 йили эса, Тошкент Сиёсатшунослик ва бошқарув институтини битирган. Меҳнат фаолиятини 1975 йили Термиз шаҳар ёшлар қўмитасида йўриқчи вазифасидан бошлаган ва 1979 йилгача шу ташкилотда турли лавозимларда давом эттирган. 1979 — 1981 йилларда Термиз шаҳар «Билим» жамиятида масъул котиб, 1981 — 1984 йилларда шаҳар раҳбарий идорасида вoиз, 1984 — 1991 йилларда вилоят ташкилотда сектор мудири, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган. Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг Жума Чоршанбиевнинг ташкилотчилик қобилиятига кенг йўл очилди. У нуфузли ташкилотларда, кейинчалик эса, хусусий корхонада директор лавозимларида фаолият кўрсатди, 1992 — 1994 йилларда вилоят касаб ва уюшмалари кенгашида ташкилий ишлар бўлими мудири, 1994 — 1996 йилларда вилоят тадбиркорлар касаб ва уюшмалари кенгаши раиси, 1996 — 1998 йилларда вилоят тадбиркорлар палатаси раиси, 1998 — 2000 йилларда Ўзбекистон — Туркия ишбилармонлар иттифоқида Сурхондарё вилояти вакили, 2000 — 2001 йилларда вилоят ҳокимлигининг ташкилий кадрлар бўлимида бош мутахассис лавозимларида меҳнат қилган. 2001 йилнинг декабридан буён «Манавият ва маърифат» маркази Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари лавозимда ишлаб келмоқда. Хизмат сафари юзасидан Югославия, Эрон, Хитой, Афғонистон ва Греция мамлакатларида бўлиб қайтди.

— Ҳеч шубҳа йўқки, биз аждодларимизнинг маънавий, маданий бойлиги билан доимо фарҳанглик келганмиз, — дейди Жума ака. — Ҳар бир шахс ва халқда Ватанимиз истиколиги ва истиқболига масъуллик, ер-сув, моддий-маданий бойликлар, миллий кадриятларга эгаллик психологиясини шакллантириш керак. Фуқароларда ўз халқининг кадр-қиммати, ор-номуси-



ни эъзозлаш, уларни ҳимоя этиш, фидойилик, миллий гурув ва шижоат сингари фазилатларни юксалтириш, жамиятдаги барча миллатларнинг тенглиги ҳуқуқий қафолатланганлигига эришиш, миллат ва Ватан учун масъуллигини янада ривожлантириш керак.

Халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар, хусусан, экологик мусоффолик, яшаш шартларини яхшилаш газ ва ичимлик суви билан тўла таъминланганлик масалаларига алоҳида эътибор бериш лoзим. Айна вақтда ишсизлик муаммосини ечиш учун ҳар бир тармоқда янгиликлар жорий қилиш талаб этилади. Масалан, турли майда конларни ишга тушириш мумкин. Бунга имкон бор. Бу — ҳам янги иш ўрни, ҳам иқтисодга таънч. Демакки, тармоқнинг алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда қонунлар ишлаб чиқариш керак бўлади. Яна бир масала — ички ва ташқи миграция тизимини тақомиллаштириш шу куннинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Бюджетдан молиялаштириладиган халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида юқори малакали педагог ва тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаишини ушбу касбларнинг аънавий нуфузига мос ва иқтисодий реал секторнинг ишлаб чиқариши

тармоқларидаги иш ҳақи билан тенглаша оладиган даражага етказиш керак. Банк тизимида, истеъмол бозорига товар-пул айланishi самарадорлигини пасайтирадиган, аҳолига нақд пул тўлаишининг кечиктирилишини келтириб чиқарадиган ва пировардида, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан юритилаётган миллий валютани мустақамлаш сиёсатига путур етказадиган монетар бошқарувининг маъмурий-буйруқбозлик шаклидан амалда воз кечиш, ҳамда Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини қўзлаб ислохотларни рўёбга чиқариши зарур. Республикаимизда бу борада талай ишлар амалга оширилди. Аммо бу аҳоли ҳар жиҳатдан тўла-тўқис ҳаёт кечиряпти деган маънони аналгамайди. Бугунги кунда, партиямиз платформасида баён этилганидек, аҳолининг реал даромадлари, ҳар бир инсонга қундалик эҳтиёж моллари, ҳаётий зарур хизматлар, жаҳоннинг ўртача ривожланган мамлакатларда юстеъмолнинг умум қабул қилинган андоза ва меъёола-рига мос даражада етказилиши керак. Ёш авлод онгида ҳеч қандай бўшлиқ қоллишигига йўл қўймайлик керак. Уларнинг онгига ҳамisha миллий, маънавий-маърифий меросларимиз билан бойитиб бориш, уларни ҳамisha миллий гурув руҳида тарбиялаш лoзим. Халқро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, жамиятда хотин-қизлар мақомини кўтариш, ёшларни мустақилликка ёт одимлардан сақлашга қаратилган қонуний ҳужжатлар тайёрлаш ва уни амалга ошириш керак. Сиёсий жараёнларнинг ошқоралигини ва унда барча фуқароларнинг қатнашмаларини тўлиқ таъминлаш, ҳокимиятнинг барча тизимларида мониторинг фаолияти самарадорлигини ошириш, ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган масалалар бўйича тақлифлар киритиш лoзим.

Жума Чоршанбиев 66-Жарқўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган. Азиз сайловчи, Жума Чоршанбиевга овоз беринг, янглишмайсиз.

**Баҳор ХҲЖАЕВА.**

## Чори МУРОДОВ 106-Қамаши сайлов округи

Сайловдаги жараёнларда ҳар бир номзод ўз тақлифлари, ислохотларга, муаммоларга муносабати билан сайловчиларни таништиради. Чори Муродовни ана шу палла-ларда қизгин иш жараёнида учратдик. У сайловдаги учрашуваридида ўзи эътиборга олган мавзуларни овоз берувчиларга аниқ мисоллар билан, содда тарзда баён этишига гувоҳ бўдик.

Чори Муродов етарлича тажрибага эга, айниқса, унинг иқтисодиёт соҳасидаги изланишлари, янгиликларга интилувчанлиги таъсирга лoйиқ.

Унинг умр йўлига бир назар ташлаб кўрсангиз, билимнинг таасиротингиз хато эмаслигига иқрор бўласиз.

Чори Муродов 1954 йилда Қашқадарё вилояти Қамаши туманида туғилган. Маълумоти олий. 1982 йилда Тошкент Давлат университетининг фалсафа-иқтисод факультетини битирган. Мутахассислиги — иқтисодчи. У партияимизнинг фаол аъзоси ҳамдир.

Чори Муродов меҳнат фаолиятини Қамаши туманидаги қурилиш бошқармасида оддий ишчиликдан бошлаган. 1973—1976 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Деҳқонobod тумани сув қурилиши бошқармасида бригада бошлиғи ва зиғфасида ишлаган.

1982 йилда Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтини оддий илмий ходим лавозимида иш бошлаб, доцент ва кафедра мудири даражасига кўтарилди. 2000 йилдан ҳо-



зирага қадар Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги самарали иқтисодий сиёсат марказида Агрoсаноат мажмуини марказидаги бошқарish бўлимининг бошлиғи лавозимида фаолият юритмоқда.

Ч.Муродов бутун ҳаётини, илмий ва амалий салоҳиятини мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш муаммоларига бағишлаган. 1999—2001 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналарини санагини қилиш жараёнида ҳукумат комиссияси таркибиде масъул ходим сифатида хўжаликларнинг молиявий ҳолатини яхшилашда фаол иштирок этди.

У 1989 йилда номзодлик, 2002 йилда мамлакатимизда биринчилардан қишлоқ хўжалигини бозор инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига бағишланган докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, иқтисод фан-

лари доктори илмий даражасига эришди.

Чори Муродов АҚШ, шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатларига қилган илмий сафарларида орттирган тажрибалирини мамлакатимиз деҳқончилик маданиятини янада бойитишга сафарбар этди. Тажрибали ва амалиётчи олим.

Республика ва халқро миқёсдаги дастурларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Чори Муродовнинг ўнга яқин шоғирди фан номзоди даражасига эришган. Икки шоғирди эса, докторлик диссертацияси устида ишламоқда.

Чори Муродовнинг сайловдаги дастурда бир қанча долзарб руҳдаги масалаларга алоҳида ёндашилган.

«Ўзбекистонда миллий тараққиётга эришиш йўлидаги энг долзарб ва муҳим вазифалар нималардан иборат?» деб савол қўяди у. Дастурда ижтимоий-сиёсий соҳага, иқтисодий соҳага, ижтимоий муҳофаза соҳасига, маънавий-маърифий соҳага, оила ва ёшлар соҳасига ҳам катта эътибор берилган.

— Долзарб масалаларни унутмайлик! — дейди Чори Муродов. — Муҳими, ҳар бир ишга меҳр билан қарашда бўлса керак. Ахир, муаммолар ечимини ана шундангина топилади. Мен сайловдаги дастуримда учрашуварда айтганимдек, юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг қуруқ қоғозда қолиб кетмаслигига ваъда бердим. Ёруғ йўл бошида туриб, ишончингизни оқлайман, дейман сайловчиларимга.

Ҳа, Чори Муродовга ишонсангиз арайди, азиз 106-Қамаши округи сайловчилари. Зеро, бу инсон тажрибали мутахассисдир.

**Раҳмат МУХАММАДЖОНОВ.**

## Зебо ҚОДИРОВА 48-Сўғдиёна сайлов округи

Зебо Қодирова иш фаолияти давомида бошқа зиёлилар сингари фаолликни биринчи ўринга қўяди. У ўз меҳнати билан қаерда ишламасин, ҳамкасбларининг ишончини қозониб келган. Унинг сайловдаги дастури билан танишиб, ўзи ишлаётган соҳадан ташқари партиямизнинг сайловдаги дастуридаги вазифаларга ҳам ўз фикри билан ёндашганлигини, гоёлари самимий, инсонпарвар эканлигини кўришаргиз мумкин. Мухтасаргина Зебо Қодирова ҳақида.

У 1954 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Маъlumоти олий. 1976 йили Самарқанд давлат университетини амалий математика мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1978 йили Самарқанд вилояти сугурта бошқармасида бўлим ҳисобчиси вазифасидан бошлаган. 1980—1983 йиллари Самарқанд қурилиш-монтаж бошқармасида катта ҳисобчи, 1984—1988 йиллари Назорат-тафтиш бошқар-



масининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлимида катта ҳисобчи-тафтишчи, 1995—1997 йилларда «Ҳисоб» аудиторлик ташкилотиде катта тафтишчи, директор, 1998—2001 йилларда «Камолот» аудиторлик хизмати фирмаси директори вазифаларида фаолият олиб борган.

Ҳозирги кунда Зебо Қодирова директорлик қилаётган «К.З.Т» аудиторлик ташкилотини Самарқанд вилоятида яхши билишади. Ташкилот ходимларининг малакали хизматидан кўпчилик миннатдор.

Қодирова Зебо ўзининг тиниб-тинчимаслиги, изланувчанлиги, билимга ташналиги туфайли инглиз, урду, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида бемалол сўзлашиш даражасига етишган.

«Тил билиш — дил билишдир» дейди донолар. Шубҳасиз, депутатликка номзоднинг бу фазилати ҳам кўпмиллатли сайловчиларимизнинг эътиборидан четда қоламаса керак. Зебоxon оилада ҳам уч фарзандига меҳрибон, уларни эл корига ярайдиган чин инсон бўлиши йўлида тинмайди, тинчимайди бу аёл.

— Зиёлилар олдинги сафда бўлмоғи керак. Чунки, кўнгилларга нур улашиб яшаймиз. Айниқса, сиёсий жараёнларда, маънавий-маърифий соҳаларда, таълим тизимида бунга эътибор катта бўлиши зарур, — дейди Зебо Қодирова.

Қодирова Зебо Тилаев — на 48-Сўғдиёна сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган. Муносиб номзодга овоз беринг!

**Гулноза ЙҮЛДОШЕВА.**

**Milliy tiklanish**  
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир:  
**Иброҳим ҒАҒҒОРОВ**

Нашр муҳаррири:  
**Дилмурод КИРҒИЗБОЕВ**

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 028. Ҳафтада 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Газета IBM компютериде терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлим — 136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй